



2016 у.г. «21» ОКТОБР № 2657-К Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Улугбек» кишлоқ фуқаролар йиғини «Гулистон агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан «ASIA PERFECTUM TRADE» масъулияти чекланган жамиятига қандолатчилик ва маккажухори қаламчалари ишлаб чиқариш цехлари ҳамда омборхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа кидирув институтининг 2016 йил 04 октябрдаги № 10-6/4-1221 сонли хулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 18 июлдаги 1098-сонли хулосаси ва «ASIA PERFECTUM TRADE» масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 3-моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. «ASIA PERFECTUM TRADE» масъулияти чекланган жамиятига қандолатчилик ва маккажухори қаламчалари ишлаб чиқариш цехлари ҳамда омборхона қуриш учун жами 1,2 га пундан: 1,2 га туман захирасидаги кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдонини ажратилсин.
3. «ASIA PERFECTUM TRADE» масъулияти чекланган жамиятига қандолатчилик ва маккажухори қаламчалари ишлаб чиқариш цехлари ҳамда омборхона қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8.39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2017 йил 1 январь ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Зоҳидов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. «ASIA PERFECTUM TRADE» масъулияти чекланган жамияти томонидан «Ер баланси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров